

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма ҳуқукида  
УДК: 336.2 (575.1)

336·2 (575.1)

КАМИЛОВ МИРЗОХИД МИРСАБИТОВИЧ

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИ  
ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ихтисослик: 08.00.07.-“Молия, пул муомаласи ва кредит”

Мирзохид Камилов

Иктисад фанлари номзоди  
илемий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ - 2007

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида  
бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Гадоев Эркин Файзиевич

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Олимжонов Одил Олимович  
  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Тошмурадова Бувсара Эгамовна

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги  
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар  
химояси бўйича Д.005.25.01. рақамли Бирлашган ихтисослашган Кенгашининг  
2007 йил «С.Х. соат 190 да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, X. Арипов кўчаси, 16 уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2007 йил “С.Х.” да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди

1. М.

Ф.Мирзаев

## I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистонда бозор иктисодиётига ўтиш даврида солик сиёсати ижтимоий иктисодий жараёнларнинг устувор йўналишларини рафбатлантиришга қаратилган. Иктисодиётни эркинлаштириш босқичида солик қонунчилигини илмий асослапган тавсиялар асосида бойитиш ва иктисодий ислоҳотларни чуқурлашувига кўмаклашувчи соликка тортиши механизмини ишлаб чиқилиши мураккаб ва долзарб муаммодир. “Принципиал мухим устувор вазифалардан бири – солик сиёсатини янада та-комиллаштиришдир. Айтиш жоизки, ...устувор вазифаларнинг барчаси солик сиёсатимизнинг такомиллаштириш билан бевосита боғлик”<sup>1</sup>. Солик сиёсатида соликлар тизимини мухим таркибий кисми ҳисобланган қўшилган киймат солигининг (ККС) такомиллаштириш мухим ахамият касб этади.

Юкорида таъкидлаб ўтилган фикрлар илмий иш мавзусининг долзарбилигини белгилайди ва номзодлик диссертацияси сифатида танланшишга асос бўлди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Солик соҳасида илмий тадқиқотларни олиб бориши давлат ўз вазифаларини бажариш учун маблағларга зарурят сезгандан сўнг кучайди. Бу соҳада хориж олимларидан А.Смит, Д.Рикардо, А.Вознесенский, Е.Глазова, В.Глухов, Р.Кэмпбелл, А.Лаффер, К.Макконел, Г.Менкью, У.Петти, Э.Тейт, Н.Тургенев, С.Фишер, Д.Черникларнинг илмий изланишлари алоҳида ўрин эгаллади. Республикамиз иктисадчи олим ва амалиётчи мутахассислардан Х.Собиров, Қ.Яхёев, Т.Маликов, Ж.Абдуллаев, А.Абдуқодиров, В.Беганов, Э.Гадоев, Ш.Гатаулин, В.Галкин, О.Олимжонов, М.Риҳсиева, Н.Ҳайдаров, М.Йўлдошев, Д.Шаулов, Д.Фозибековларни илмий ишларини келтиришимиз мумкин. Шу билан бирга бевосита солик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимлардан М.Альмардонов томонидан амалга оширилган докторлик ишида солик тизимининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири таҳлил килинган. А.Жўраевнинг докторлик ишида давлат бюджети даромадларини шакллантиришида юзага келаётган муаммолар ўрганилган. О.Абдураҳмонов жисмоний шахслардан олиниадиган соликлар тизимини та-комиллаштиришга қаратилган илмий ишлар муаллифи ҳисобланади. И.Жалолов, А.Маманазаров, Б.Тошмуродова, Б.Умаров, И.Юлдашев, О.Якуббоев, Н.Қўзиева, Р.Курбоновларнинг илмий тадқиқотларида айrim солик турлари ва уни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Иктисодий адабиётда бевосита қўшилган киймат солиги механизмидаги муаммоларни ўрганишга бағишлиланган маҳсус илмий ишлар жуда оз. Ш.Тошматов томонидан бажарилган номзодлик иши қўшилган киймат солиги мавзусига бағишлиланган бўлиб, ушбу илмий тадқиқот ишида факат республика ичida ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, бажариладиган иш ва хизматлар бўйича қўшилган киймат солигини ҳисоблаш механизмидаги илмий муаммолар ўрганилган. Аввал бажарилган илмий ишлардан фаркли

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамияти демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент, 2005. – 88 бет.

ўларок бизнинг диссертация ишимиизда импорт қилинадиган товарлар, иш ва хизматлар бўйича қўшилган киймат солигини ундирилиши алоҳида объект сифатида таҳлил этилиб уни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар берилган. Иккинчидан мазкур илмий ишда қўшилган киймат солиги бўйича салбий фарқларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил этилди ва шу туфайли вужудга келадиган ортиқча тўловларнинг қопланиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Учинчидан қайд этилган илмий иш бажарилгандан кейин ўтган даврда қўшилган киймат солигига оид кўп сонли солик конунчилигига ўзгаришларнинг киритилганлиги бу мавзуда илмий тадқиқотларнинг давом эттириш зарурлигини исбот этиб турибди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** қўшилган киймат солигининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва импорт операцияларида ҳисобланиши, ундирилиши механизмини такомиллаштириш, карздорлик ва ортиқча тўловни камайтириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқкан ҳолда куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- соликларнинг иктисодий моҳияти ва жамиятнинг ижтимоий хаётидаги ролини ўрганиш;
- қўшилган киймат солигини назарий, иктисодий ва ҳукукий асосларини тадқиқ этиш;
- қўшилган киймат солигини мамлакатимиз соликлар тизимида тутган ўрнига баҳо бериш;
- қўшилган киймат солигини ундирилишида ривожланган мамлакатлар ва ўтиш иктисодиёти мамлакатлари тажрибасини кўллаш имкониятларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда амал қилаётган қўшилган киймат солигини ҳисоблаш механизмини ишлаб чиқариш ва истеъмолга таъсирини ўрганиш;
- қўшилган киймат солигининг импорт операциялар бўйича ҳисобланишини такомиллаштиришга багишлиланган амалий таклифлар бериш;
- Ўзбекистонда қўшилган киймат солиги бўйича вужудга келаётган бўқиманда ва ортиқча тўловларни келиб чиқишини ўрганиш ва камайтиришга қаратилган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;
- қўшилган киймат солигини ундириш усулларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти:** Юридик шахсларнинг қўшилган киймат солигини ҳисоблаш ва тўлаш механизми тадқиқот обьекти сифатида танланган.

**Тадқиқотнинг предмети:** Давлат бюджети билан корхона, ташкилот, муассасаса, фуқаролар ўртасида кўшилган қиймат солиги бўйича вужудга келувчи молиявий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот усуслари.** Диссертацияни тайёрланши илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг киёсий таҳлили, тизимли ёндашув, омилли таҳзига, статистик ва математик усусларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот ишида олинган ва химояга олиб чиқилаётган мухим натижалар қуйидагилардан иборат:**

- Ўзбекистонда кўшилган қиймат солиги бўйича юзага келаётган бокиманда ва ортиқча тўловлар таҳлил қилинди ва уларни камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- кўшилган қиймат солиги бўйича бокимандалар таркибидаги пеняларнинг микдори аникланиб, ҳисобланадиган пенялар ставкасини камайтириш зарурлиги асосланди;

- кўшилган қиймат солигини импорт товарлари, иш ва хизматлари бўйича ҳисбланишида юзага келаётган муаммолар аникланиб, уни ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

- кўшилган қиймат солигининг иктисадий мохияти аниклаштирилди;
- кўшилган қиймат солигининг корхоналар фаолиятида соғлом ракобат шароитини яратишдаги даҳлсизлиги илмий асосланди;

- кўшилган қиймат солигининг амалдаги ставкаларини солик тўловчиларнинг иктисадий фаолиятига таъсири аникланди ва бу таъсири камайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

- кўшилган қиймат солигини ундирилиши юзасидан ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаси ўрганилди ва улардан Ўзбекистон иктисадиётининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижодий кўллаш имкониятлари асосланди;

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий ишнинг натижаларини амалдаги кўшилган қиймат солигини ундириш механизмини бозор иктисадиёти талабларига мослаштиришда ҳамда миллий кўшилган қиймат солиги ундириш механизмини шакллантириш, ривожлантириш ва солик тўловчиларнинг давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини оптималлаштиришда ишлатиш мумкин. Илмий ишнинг асосий ғоя ва материалларидан олий ўкув юртларида, “Молия”, “Соликлар ва соликка тортиш”, “Юридик шахсларни соликка тортиш” фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси Солик академияси, Тошкент Молия институти бирлашган илмий семинарларида ва Банк-молия академияси илмий мувофиқлаштирув кенгаши мажлисида мухокама килинган ва химояга тавсия этилган.

Тадқиқот ишининг мазмуни ва хулосалари қуйидаги халкаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъзуза кўринишида баён

килинган ва маъқулланган: - «Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимини такомиллаштириш ва унинг жаҳон молия бозорига интеграциясининг долзарб масалалари». – Тошкент, 1999; «Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг институцional ривожланиш жараённида халкаро тажрибадан фойдаланиш». – Тошкент, 2002; -«Ломоносовские чтения-2001». – М.; 2001.

**Диссертация натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши.** Диссертация натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Эълон қилинган ишларнинг умумий ҳажми 12,5 босма табоқ бўлиб, шу жумладан битта монография, 3 та илмий маколалар, уч конференция тезиси материаллари чоп этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Тадқиқот иши таркибан кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бет бўлиб, 15 та жадвал. 3 та расм ва 9 та иловадан иборат.

## II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кўшилган қиймат солиги билвосита истеъмолга хисобланадиган солик хисоблапиб, умумдавлат соликлари жумласига кириб, уни ҳисоблашнинг турли шакллари ва услублари мавжуддир.

Кўшилган қиймат солигининг моҳияти ушбу соликнинг таркибий кисмига кирувчи элементлар тушунчаси билан чамбарчас боғликдир.

Кўшилган қиймат солигининг ҳуқуқий асослари – мамлакат қонуний хужжатлари билан белгиланади, уни таркиб топиш тамойиллари ва ундириш механизмини ташкил этилишини, ижтимоий-иктисодий мазмунини акс эттиради.

Ўзбекистонда амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ қўшилган қиймат солигининг соликка тортиладиган базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шундан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солигини хисоблашда ва ундирилишида куйидагилар аниқланди:


а) Кўшилган қиймат солиги истеъмолга хисобланадиган солик хисобланади;

б) Истеъмолга хисобланадиган қўшилган қиймат солигини хисоблашда хисобга олиш усулидан фойдаланиш самаралидир;

в) Ташки савдо операцияларни амалга оширишда истеъмолга мўлжалланган жой тамойилини кўлаш максадга мувофиқ;

г) Қўшилган қиймат солигининг соликлар тизимидағи ролини белгиловчи асосий йўналишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу унинг катта даромад келтиришида, унинг нейтраль холатга таалуклиги ва энг енгиладиган солик сифатида намоён бўлишидир.

ККС амалда давлатнинг даромад қисмининг асосий манбаларидан бири бўлиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)да салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди.



**1-расм. Давлат бюджети даромадлари ва қўшилган киймат солигини ялпи ички маҳсулотдаги улуси<sup>2</sup> (фоиз хисобида)**

Тадқиқотларимиз кўрсатишича мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли ялпи ички маҳсулотдаги давлат бюджети даромадларининг салмоғи 2000 йилга нисбатан 2007 йилга келиб 6,3 пунктга камайган ва 22,2 фоизни ташкил этган. Бу солик юкининг мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида кескин камайиб бораётганилигидан далолат беради. Ушбу камайиш устун даражада тўғри соликлар ставкасини пасайиши хисобига юз бермоқда. Лекин қўшилган киймат солигининг ялпи ички маҳсулотдаги улушкининг камайиш тенденцияси умумий бюджет даромадлариникига нисбатан анча паст даражада кузатилмоқда. 2000-2007 йилларда ушбу кўрсаткич 2,0 фоиз пасайган. Агар 2000 йилда қўшилган киймат солигини ялпи ички маҳсулотдаги улуси 7,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб 5,6 фоизга тенг бўлган. Қўшилган киймат солигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуси 2004 йилдан истисно камайиш тенденцияга эга. Мазкур ўзгариш 2004 ва 2006 йилларда ККСнинг жами бюджет даромадларидаги улушкининг 3,16 ва 1,5 пунктларга ўсганлиги билан боғлиқдир. Хисобот давридаги жами бюджет даромадларида қўшилган киймат солиги ва бошқа соликлар улушкининг ўзгаришини тахлил этиш учун қуидаги маълумотларни келтирамиз:

1-жадвал маълумотларининг таҳлили бюджет даромадларининг аксарият қисмини ККС, акциз, фойда ва жисмоний шахслардан даромад соликлари хиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда. Соликлар таркибида ККС ва акциз солиги юкори ўринни эгаллайди. Шу билан бир каторда фойда солигининг улуси 1,6 марта га камайган ва ушбу солик ставкаси мутаносиб равиша 1,7

<sup>2</sup> Экономика Узбекистана. Аналитический журнал. 2005, №8, -с.18. Молия вазирлигининг [WWW.MF.UZ](http://WWW.MF.UZ). Интернет сайт маълумотлари асосида хисобланган.

мартага пасайган. ККС улуши таҳлил этилаётган даврнинг дастлабки тўрт йилида пасайиш тенденциясига эга бўлиб 2004 йилга келибгина ўди.

1-жадвал

### Давлат бюджети даромадларининг таркиби (фоиз ҳисобида)<sup>3</sup>

Кўрсаткичлар	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2006 й
Жами бюджет даромадлари, шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
ККС	26,5	25,3	24,0	22,9	26,1	23,7	25,2
Акциз солиги	27,2	24,0	26,4	29,7	29,6	17,5	18,8
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	13,0	11,3	9,3	9,0	8,0	8,2	5,4
Жисмоний шахсларнинг даромад солиги	11,7	12,8	12,3	12,3	12,3	12,7	14,9
Бошқалар	21,6	26,6	27,9	26,1	24,1	37,9	35,7

Қўшилган киймат солиги улушини бюджет даромадларидаги улушини ўзгариши сабаби кўпчилик кичик корхоналарнинг соликка тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтганлиги туфайли ягона солик бўйича соликларнинг тўғри соликлардаги улуши 2001 йилдаги 7,8 фоиздан 2003 йилга келиб 14,1 фоизга етган ва 2004 йилда камайиб 10,2 фоизни ташкил этган<sup>4</sup>.

Мамлакатимизда қўшилган киймат солиги жорий этилгандан бўён унинг 30, 25, 17, 18, 20 фоизли ставкалари амал қилган. Шунингдек, озиқ овқат махсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун пасайтирилган 10 ва кейинчалик 15 фоизли ставкалари ҳам амал қилган.

Иктисадиётни эркинлаштириш босқичида соликнинг 20 фоизли ва нолли ставкалари кўлланиб келинмоқда. Юкоридаги холат кўйидаги сабабларга кўра иктисадиётни эркинлаштириш босқичида сақланиб турибди:

Биринчидан, шундай даражадаги солик ставкаси барча Мустакил хамдўстлик Давлатларида кўлланиб келмоқда. ККС ставкаларининг даражасини МДХ мамлакатларида ўзаро бири-бирига яқинлаштириш уларнинг ташки савдо операцияларини амалга оширишда юқори самара бериши мумкин.

<sup>3</sup> Экономика Узбекистана. Аналитический журнал. 2005., №8, -с. 18. Молия вазирлигининг [WWW.MF.UZ](http://WWW.MF.UZ). Интернет сайти маълумотлари асосида хисобланган.

<sup>4</sup> Экономика Узбекистана. Аналитический журнал. 2005., №8, -с.19.

Иккинчидан, ККСнинг бу ставкадаги тушумлари давлат бюджети даромадларининг 25-30 фоизини ташкил этгани учун тушумларни бу манба орқали таъминлаганидан далолат беради.

Учинчидан, белгиланган ставка бевосита соликлар ставкаларини камайтирилганда йўқотиладиган даромадларни ўрнини қоплаш имконини беради.

Тўртинчидан, пасайтирилган ККС ставкаларининг мавжуд бўлиши хисоб-китобда чалкашликларни келтириб чиқаради ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жиҳатидан адресли бўлиш эҳтимолини камайтиради.

Бешинчидан, соликнинг ягона ставкасини киритилиши меҳнат ва капитал сифимкорлиги юкори бўлган иқтисодиёт тармокларига таъсир килинишига йўл қўймайди.


Барча товар етказувчилар солик тўловчилар хисобланишади, қўшилган киймат солигида ўзига хос имтиёз мавжудки, у нолли ставкада ККС хисоблаш деб аталади. Нолли ставкада соликқа тортиш қатор давлатларда мавжуд бўлиб, бу ККСдан озод этишининг қонуний режимини таъминлашда ягона “ишончи” усул хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида нолли соликқа тортишни қўллаш 1996 йилнинг майида товарлар экспорти амалга оширилиши сабабли киритилган эди. Кейинчалик нолли соликқа тортиш Солик Кодекси билан мустаҳкамланиб бир неча турдаги товар, хизматларга нисбатан қўлланилмоқда. Корхоналар солик солинадиган маҳсулотга ККСни нолли ставкаси бўйича хисоблайдилар ва сотиб олинган моддий ресурслар бўйича ККС суммаси бюджет билан хисоб-китобга олинади.

Нолли ставка бўйича соликқа тортишнинг фарқли томони шундаки, бунда бюджетта хисоблашда ККС бўйича салбий сальдо пайдо бўлиб, сотиб олинган материал ресурслари бўйича ККС хисобга олинади. Кўпгина давлатларда шу каби салбий сальдо давлат томонидан қопланади.

Ўзбекистон Республикасида хўжалик субъектларда хисобга олинган солик суммаси юкори бўлса, бу ортикча сумма ушбу корхонанинг ёзма хатига асосан бюджетдан корхона ҳисоб ракамига қайтарилиши мумкин. Агар корхона тўлиқ нолли ставкада ишласа, у холда хисобот даврининг натижаси бўйича салбий сальдо корхонанинг хатига асосан бошқа солик тўловларидан мавжуд карздорликларини узиш учун ўтказиб берилади. ККС бўйича салбий сальдони пайдо бўлиш муаммоси асосан йирик корхона-экспортерларда кузатилади.

Масалан, ОТМК (1 ойлик ортикча тўлови 100,0 млн.сўм.), НТМК (200,0 млн.сўм.), Зарафшон Ньюмонт (40,0 млн.сўм.), Қобул Текстайлз-Ўзбек қўшма корхонаси (30,0 млн.сўм.) ва бошкалар, шунингдек ўз маҳсулотини экспорт килювчи ва кишлоқ хўжалигини минерал ўғит билан таъминловчи кимё саноати корхоналарида (Электркимёсаноат — 70,0 млн.сўм.. Аммофос — 20,0 млн.сўм; Навоий азот — 150,0 млн.сўм) мавжуд.



**2-расм. Олмалик тоб металургия комбинатида ҚҚСдан салбий фарқлар натижасида юзага келган ортиқча түловларни кредиторлик қарзларини ёпишга йўналтириш бўйича чизма<sup>5</sup>**

Бу муаммо нолли ставкани соликка тортиш натижасида ортилган маҳсулотга ҚҚС хисобланмаслигини ва олинган материалларга ҚҚС хисобга олиниши оқибатида юзага келади.

Амалдаги конун меъёларига кўра юзага келган ҚҚС бўйича салбий сальдо бошқа соликлар түловига ўтказилиши мумкин. Натижада шу холат ҚҚС бўйича умумий тушумни камайтиради. Мазкур муаммони ҳал этиш учун корхона-экспортерларга салбий фарқни коплаш бўйича куйидаги тартибни таклиф этмоқчимиз. Салбий фарқни коплашда ушбу корхонанинг кредитори олдидаги кредиторлик қарзини ёпиш ва охирги боскичда ушбу суммани бюджет олдидаги қарзни ёпишга йўналтириш лозим.

Ушбу муаммоларнинг таҳлили жараённида ҚҚС билан bogлиқ яна бир муаммога дуч келиш мумкин. Мамлакатимизда хориҷий инвестиция иштирокида тузилган кўпчилик кўшма корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарларини чет элга экспорт қиласидар.

Кобул Текстайлз-Ўзбек кўшма корхонаси ишлаб чиқарган маҳсулотни 90 фоизини экспорт қиласидан учун тўланиши лозим бўлган соликларни вактида тўлаб боради ва бокимандаси бўлмайди, лекин ҚҚСдан салбий фарқ доимо ўсиб, натижада катта ортиқча тўловга эга бўлади.

Келтирилган ракамлар ушбу корхонада охирги беш йилда ҳар доим ортиқча тўлов миқдори юқори бўлганини кўрсатиб турибди ва факат 2005 йилга келибина экология ва сув солиги бўйича қарздорлик вужудга келган.

<sup>5</sup> Унду тақлиф мутасадди юқори идораларга юборилган ва солик конунчилига киритилган ўзғаришларда ўз аксенин тонганилиги тўғрисида маънумотнома мавжуд.

Ушбу қарздорликни вужудга келиши мазкур солискларни хисобланишида корхона томонидан йўл қўйилган туфайли содир бўлган.

Тахлил килинаётган бошқа барча даврларда ортиқча тўловлар миқдори мавжуд бўлган, лекин ортиқча тўловнинг жами миқдорига нисбатан оладиган бўлсақ етакчи ўринни барча даврда кўшилган киймат солиги эгаллаган.

Масалан, 2001 йил ҳолатига кўра корхонанинг жами ортиқча тўловлари йиғиндиси 166,2 млн.сўмни ташкил этган холда унинг 97,9 фоизи кўшилган киймат солиги бўйича, 2005 йил ҳолатига келиб кўшилган киймат солиги бўйича ортиқча тўлов жами 1024,3 млн.сўмга етган, шу жумладан 84,1 фоизи кўшилган киймат солиги бўйича ортиқча тўловлардир.

2-жадвал

### **Қобул Текстайлз-Ўзбек қўшма корхонасининг солик тўловлари бўйича бюджет билан хисоб-китоби<sup>6</sup>**

(млн. сўмда)

Кўрсаткин	01.01.2001	01.01.2002	01.01.2003	01.01.2004	01.01.2005	01.01.2006	01.01.2007
	Карздорлик	Ортиқча тўлов	Карздорлик	Ортиқча тўлов	Карздорлик	Ортиқча тўлов	Карздорлик
ККС	162,9		285,5		503,3		687,9
Фойда солини				0,2		0,2	
Мол мулк				200,3		200,3	
Ер солиги				11,4		3,3	
Экология		0,2		4,0		2,6	
Сув солиги	0,4		0,1			2,3	
Инфратузилмани ривоҷлантириш солини		2,9		3,2		3,6	
Бошқадар							8488,7
<b>ЖАМИЙ</b>	-	166,2	-	289,0	-	722,8	
							3121,8
							979,8
							3385,7
							654,9

Тахлилларимиз кўрсатишича 2007 йилда жами ортиқча тўловларнинг 98,5 фоизи кўшилган киймат солиги хиссасига тўтири келган.

Бундай ҳолатда ККС бўйича нолли ставкани кўлланиши туфайли ортиқча тўлов миқдорларнинг қайтарилиши шартлари бир мунча чегараланган. Чунки биринчидан, бу қайтаришлар шу худудга бевосита ККС бўйича тушган маблағлар хисобидан амалга оширилиши керак, иккинчидан бу қайтаришлар кўшилган киймат солиғидан шу худуд учун белгиланган тушумлар прогнозини кескин камайтириб юбориши мумкин ва учинчидан мантиқан ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сотиб олинган материал ресурсларга тўланган ККС республиканинг барча худудларида ундирилган, лекин уни қайтарилиши ушбу маҳсулот экспорт килинаётган худуд тушуми хисобидан амалга оширилиши адолатлилик нуқтаи назаридан ҳам тўғри келмайди.

<sup>6</sup> Ушбу маълумотлар Тошкент вилояти Ўргачирик тумани Дақлат солик инспекциясидаги қўшма корхонанинг шахсий варакасидан келтирилган.

Бизнингча, ККС бўйича нолли ставкани қўлланиши туфайли салбий фарк натижасида юзага келадиган ортиқча тўловларни қайтарилиши тўлик худуд бюджетига тушган ККС тушуми хисобидан эмас, балки республика тушумлари доирасида қайтарилиши мақсадга мувофиқдир. Бу бир томондан ушбу маблагларни қайтарилишини тезлаштируса, иккинчи томондан корхона жойлашган ҳудуднинг ККС бўйича тушумларидаги жиддий камайишларни келтириб чиқаришни чегаралайди.

Импорт килинадиган товарлар, ишлар ва хизматларни қўшилган қиймат солигига тортища ҳар бир мамлакат анча эҳтиёткорлик билан ёндашади. Чунки импорт килинаётган товар, иш ва хизматларнинг ушбу соликка тортилиши ташки савдо операциялар билан боғлиқ масаладир.

Республикамизда импорт килинган товарлар бўйича ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солигини аниқлашда импортчи томонидан олиб киритилаётган товар божхона қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиги микдори ҳисобга ўтказилади. Лекин импортчи томонидан баён килинган божхона қийматига нисбатан божхона идоралари томонидан ҳисобланиб аниқланган божхона қиймати ўртасида фарқ бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиги микдори импортчи томонидан баён қилинган божхона қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган ККС микдоридан келиб чиқиб аниқланади, ҳакиқатда тўланган ККС микдори билан ҳисобга ўтказилган ККС ўртасидаги фарқ микдори импорт килиб олиб киритилаётган товарнинг нархига киритилади.

Бу холат биринчидан, ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солигини аниқлашдаги конуний талабларини бузилишини келтириб чиқармоқда, чунки Солик кодексига асосан “ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиги суммаси ҳисобот даврида амалда келиб тушган, шунингдек импорт килинган.... товарлар учун олинган ҳисобварак-фактуралар бўйича тўланиши лозим бўлган солик суммасидир”<sup>7</sup>, иккинчидан ушбу холат бўйича олиб киритилаётган товарлар нархининг асоссиз ошишига олиб келмоқда.

Шунга асосан импорт товарлари бўйича ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиги микдорини аниқлашда божхона идоралари томонидан импорт килинаётган товарларни олиб киритилишида ҳакиқатда тўланган қўшилган қиймат солиги асос килиб олиниши мақсадга мувофиқдир. Бу конун ва конун ости меъёрий хужжатларининг яқдиллигини таъминлайди, шу билан бирга импорт товарларининг қийматини асоссиз ошиб кетишига йўл қўймайди.

Кўриниб турибдики, конун ва конун ости хужжатларидаги номувофиқлик натижасида импортчи корхоналар учун олиб киритилаётган товарлари бўйича солик конунчилигининг конун олдидаги тенглик тамойили бузилмоқда ҳамда импорт килинаётган товарнинг нархи асоссиз равища 120,0 минг сўмга ошишига олиб келмоқда ва бу ўз ўзидан агар импортчи

<sup>7</sup> Узбекистон Республикаси солик Кодекси. -Т.: “Адолат”, 1999, 76 б

корхона ишлаб чиқариши корхонаси бўлса маҳсулот таниархининг ортишига олиб келади ҳамда унинг молиявий фаолиятига салбий таъсир этади.

Республикамизда импорт килинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиги, импорт килинадиган ишлар ва хизматлар бўйича алохида тартибда қўшилган қиймат солиги хисоблаб чиқилади.

Ушбу холатни аниқроқ баён этиш учун куйидаги шартли мисолни келтирамиз:

3-жадвал

**Импорт килинадиган товарлар бўйича тўланган қўшилган қиймат солигини хисобга ўтказилишининг таҳлили<sup>8</sup>**

т/р	Амалдаги тартиб		Таклиф этилаётган тартиб	
	Кўрсаткичлар	минг сўм	Кўрсаткичлар	минг сўм
1	Импортчи томонидан баён қилинган божхона қиймати	1000,0	Имортчи томонидан баён қилинган божхона қиймати	1000,0
2	Божхона идоралари томонидан аникланган хисоб китобли божхона қиймати	1600,0	Божхона идоралари томонидан аникланган хисоб китобли божхона қиймати	1600,0
3	Акциз солиги	320,0	Акциз солиги	320,0
4	Божхона божи	400,0	Божхона божи	400,0
5	Имортчи томонидан тўланадиган КҚС $(1600+320+400)\times 20/100$	464,0	Имортчи томонидан тўланадиган КҚС $(1600+320+400)\times 20/100$	464,0
6	Хисобга ўтказиладиган КҚС $(1000+320+400)\times 20/100$	344,0	Хисобга ўтказиладиган КҚС $(1000+320+400)\times 20/100$	464,0
7	КҚСнинг тўлиқ хисобга ўтказилмаслиги натижасида товар қийматининг ошиши	120,0	КҚСнинг тўлиқ хисобга ўтказилмаслиги натижасида товар қийматининг ошиши	-

Шундан келиб чиқиб, бу икки холат бўйича соликка тортиладиган обьектни белгилашда турлича ёндашилади. Реализация килинадиган жойи Ўзбекистон Республикаси божхона худуди бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан импорт килинадиган ишлар, хизматлар – импорт килинадиган ишлар, хизматлар деб тан олинади ҳамда республика худудига ишлар, хизматларни импорт қилувчи юридик шахслар ана шу импорт килинадиган ишлар, хизматлар қийматидан келиб чиқиб қўшилган қиймат солиги тўлайдилар. Шу ўринда айтиш керакки, ишлаб чиқилган тартибда номумкаммаллик мавжуддир, чунки ушбу кел-

<sup>8</sup> Импорт килинадиган товар бўйича муаллифнинг мустакил хисоб-китоби.

тирилгандай асос бүйича факаттеги республикамизга резидентлар томонидан импорт килинадиган ишлар ва хизматлар бүйича қўшилган қиймат солиги ундирилиши лозим бўлади. Агар ушбу ишлар ва хизматларни резидент бўлмаганлар томонидан импорт килиниши қўшилган қиймат солигига тортилмасдан қолишига ва резидент ҳамда резидент бўлмаганлар учун тенгсиз шароитни юзага келишига олиб келмоқда.

Бизнингча сотиладиган жойи республика худуди бўлган ишлар ва хизматларнинг импорт килиниши резидентлик белгисидан қатъий назар қўшилган қиймат солигига тортилиши бу муаммони бартараф этиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Бюджетдаги мутаносибликни кучайтириш мақсадида, солик сиёсатини такомиллаштириш билан бир қаторда, корхоналарнинг молия интизомини мустахкамлаш, тўлов айланмасини бир меъёрга келтириш, тўламасликнинг, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг салбий оқибатларини тугатиш катта ахамиятга эга, бу эса оқибатда бокиманда қарзлар микдорини камайтиришга олиб келади.

Бокиманда деганда, хисобланган солик суммасини конунда белгиланган муддатида бюджетга ўтказиб бермаслик, яъни ўз вақтида тўланмаган қарз ёки муддати ўтган қарзни билдиради.

Республикамизда солик турлари бўйича бокиманда қарзларнинг таркибини таҳлил этиш орқали қўшилган қиймат солиги бўйича қарздорлик муаммоси кай даражада эканлигига ишонч ҳосил киламиш.

4-жадвал маълумотларидан республикамиз бўйича солик тўловлари бўйича бокимандада қўшилган қиймат солиги бўйича қарздорлик юкори даражада эканлиги кўриниб турибди.

Таҳлил қилинаётган даврда бу кўрсаткич нисбатан бекарор бўлиб, умуман ўсиш тенденциясига эга бўлган. Масалан, ҚҚСнинг бокиманда қарзлардаги улуси 2000 йилда 37,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 43,4 фоизга ўсири ёки 6,2 пунктга кўпайди.

Шунга карамай солик турлари бўйича қарздорликда қўшилган қиймат солиги бўйича қарздорликнинг юкори даражада сакланиб қолиши ҚҚСни хисобланиши ва ундирилишида сурункали муаммонинг мавжудлигини ва бу қарздорликни бартараф этилиши бўйича таклифларнинг ишлаб чиқилиши зарурлигини исботлаб турибди.

Корхоналарда бокиманда қарзларнинг вужудга келишига юзаки қараганда, уларнинг молиявий фаолиятига катта таъсир этмайдигандек туюлади. Мавжуд дебитор қарзлари ундирилгандан сўнг бокиманда қарзлар ёпилади. Лекин корхона бокиманда қарзларга эга бўлиб турган муддатда мол етказиб берувчилар билан хисоб килиш имконига эга бўлмайди, чунки амалдаги конунчиликларга асосан биринчи навбатда бюджет олдидаги қарздорлик ёпилиши зарур. Демак корхонанинг ишлаб чиқариш цикли секинлашади ва бу молиявий фаолиятга салбий таъсир этади.

**Ўзбекистон Республикаси ДСҚ бўйича соликлар бўйича бокиманда қарзларининг таркиби (фоиз ҳисобида)<sup>9</sup>**

Соликлар тури	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2006 й
<b>Жами</b>	100	100	100	100	100	100	100
<b>КҶС</b>	37,2	28,6	38,7	36,3	34,5	44,4	43,4
<b>Акциз</b>	2,0	2,0	2,3	2,4	3,4	13,0	5,3
<b>Фойда (даромад) солиги</b>	28,8	29,6	26,3	22,4	14,6	11,4	8,7
<b>Жисмоний шахслар даромад солиги</b>	-	-	-	-	-	-	-
<b>Ер ости бойликлари-дан фойдаланганлик учун солик</b>	0,2	0,2	0,2	0,1	0,4	5,6	16,3
<b>Мол-мулк солиги</b>	4,8	3,6	4,9	3,0	3,2	5,3	5,8
<b>Ер солиги</b>	17,3	26,3	14,8	7,4	27,7	3,4	2,9
<b>Сув солиги</b>	0,4	0,4	0,8	0,2	0,3	0,1	0,1
<b>Экология</b>	3,0	2,9	4,2	3,4	3,5	2,2	1,5
<b>Бошкалар</b>	6,3	6,4	7,8	24,8	12,4	14,6	16,0

Тошкент вилоятидаги қўшилган қиймат солиги бўйича бокимандаларнинг асосий қисми вазирликлар, давлат улуши юкори бўлган компания ва уюшмаларга ҳиссасиңга тўғри келади. Лекин вилоят бўйича жами соликлар ва қўшилган қиймат солиги бўйича бокимандалар таркибида вазирликлар, компания ва уюшмалар улуши республика бўйича олинган маълумотларга нисбатан кескин фарқ қилади. Буни куйидаги 5-жадвал маълумотлари орқали таҳлил этамиз.

“Ўзмевасбазавтузумсаноат” холдинг компаниясида 2002 йилда жами бокимандалардаги улуши 36,7 фоизга teng бўлган бўлса, қўшилган қиймат солиги бўйича бокимандалардаги улуши 3,7 фоизни ташкил этган, 2004 йилда бу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан каралганда жами бокимандаги улуш 27,2 фоизли пунктга камайган, қўшилган қиймат солиги бўйича жами бокимандадаги улуш 3,0 фоизли пунктга камайган ва мос равишда 9,6 фоиз ва 0,7 фоизга, 2006 йилда эса 0,6 ва 0,7 фоизга teng бўлган.

Бу тизимда қўшилган қиймат солигидан бокимандаларнинг нисбатан камрок бўлишининг асосий сабаби тизимдаги кўпчилик корхоналарнинг бошқа солик турлари бўйича қарздорлигининг юкорилигидадир.

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўйича ушбу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан 2004 йилда 16,7 фоизли пунктта ошган, лекин 2005 йилда 0,6 фоиз, 2006 йилда эса 0,5 фоизга бокимандалардаги улуш пасайган.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси ДСҚ маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоби

**Тошкент вилоятида бокимандаларнинг йирик қарздорликка эга  
вазирликлар, компания ва уюшмалар тизими бўйича улуши  
(фоиз хисобида)<sup>10</sup>**

Вазирлик, уюшма ва компаниялар	2002		2003		2004		2005		2006	
	Жами бокиманда	Ш. ж. ККС	Жами бокиманда	Ш. ж. ККС	Жами бокиманда	Ш. ж.	Жами бокиманда	Ш. ж. ККС	Жами бокиманда	Ш. ж. ККС
Ўзбекэнерго	0,3	13,8	20,7	28,5	11,1	19,6	24,4	32,1	32,9	36,5
Ўзкимёсаноат	6,9	25,6	34,1	49,6	13,9	27,4	4,8	0,2	11,1	0
Узпаҳтасаноат	2,3	33,7	7,2	2,2	9,6	13,6	24,3	52,2	33,2	61,9
Ўзмонтаж- махсус-курилиш	5,1	4,9	5,2	5,3	7,9	14,2	0,1	0	0,1	0
Ўзкурилишмате риаллари	42,2	2,3	3,1	0,4	9,6	1,9	0,4	0	0,3	0
Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	2,8	1,2	15,1	0,5	19,5	0,7	0,6	0	0,5	0
Ўзбекистон те- мир йўллари	2,4	2,7	7,2	11,3	9,9	17,6	0,4	0,2	0	0
Ўзмевасабзавоту зум-саноат	36,7	3,7	3,7	0,9	9,6	0,7	1,2	2,1	0,6	0,7
Бошқа корхона- лар	1,3	12,1	3,7	1,2	8,9	4,3	43,8	13,2	21,3	0,9
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Кишлоқ хўжалик корхоналари ягона ер солиги тўловчиси хисобланади. Агарр ислохотлар жараёнида ширкат хўжаликларининг барчаси 2005-2006 йилларда фермер хўжаликларига айлантирилиб солик имтиёзлари берилди. “Ўзбекэнерго” ДАҚ тизимида ҳам жами бокимандаларнинг улушкининг тез суръатда ошганлигини кузатиш мумкин. 2006 йилда мазкур тизимда бокимандаларнинг улушки 32,9 фоизни ташкил этган бўлса, ККС бокимандаси салмоғи 36,5 фоиз бўлиб юкорилигича қолмокда. ККС бўйича бокиманданинг юкорилиги сабаби тизимда пул маблағларини таксимланиши юзасидан алоҳида маҳсус тартиб ишлаб чиқилгандир. Ушбу тартибиға мувофиқ тушган пул маблағларининг жуда кичик фоизи жойлардаги бўлинмаларга қолдирилади, колган кисми тўғридан-тўғри республикадаги юкори ташкилотига йўналтирилади. Жойларда қолдирилган кисми факат иш ҳаки бўйича қарздорликларни коплашга етади холос. Жойлардаги бўлинмаларнинг ҳаммаси ҳам кўшилган киймат солиги тўловчиси хисобланмайди ва қўпчилик ҳолларда соликлар марказлапған тартибда тўланади. Юкорида қайд этилган холатлардан келиб чиқиб, ККС бокимандасини камайтириш мақсадида йиғма счетларда ишловчи маҳсус корхоналарда ККС тўланишини хисобга олган холда пул

<sup>10</sup> Тошкент вилояти Давлат солик бошкармаси маълумотлари асосида муаллифнинг хисоб-китоби

маблағларини тақсимлаш тартибига тегишли ўзгартериш киритган холда қайта ишлаб чиқилиши лозим. Бу “Ўзбекэнерго” ДАК тизимида ККС бўйича бокиманда қарздорликлари миқдорини кескин камайтириш имконини беради.

Қўшилган киймат солиги бўйича бокиманда суммаларнинг пайдо бўлиши биринчи навбатда бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар хисобига буюртмачилар томонидан пул маблағининг ўз вақтида келиб тушмаслиги билан боғлиқдир. Республикаизда аксарият ҳолларда буюрмачилар бўлиб бюджет ташкилотлари майдонга чиқади.

Маълумки ҳозирги маҳсулотларни жўнатиш тартибига мувофиқ 15 фоизли олдиндан тўлов амалга оширилиб кейин маҳсулотлар юборилади. Лекин ушбу олдиндан амалга оширилган тўловлар микдори корхонанинг солик тўловлари бўйича хисоб-китобларни амалга ошириш учун етарли даражада эмас, чунки республикамиз бўйича солик юки бюджетдан ташқари ажратмаларсиз 22,5<sup>11</sup> фоизни ташкил этади.

Шундан келиб чиқиб, маҳсулотлар жўнатишдаги олдиндаги тўлов микдорининг камидан 30 фоизга етказилиши солик тўловлари бўйича бокимандаларни, шунингдек бокимандалар салмогидаги энг юқори кўрсаткични эгаллаб турган қўшилган киймат солиги бўйича бокиманда микдорларни камайишига олиб келади ҳамда корхонада соғлом молиявий мухитнинг яратилишига асос бўлиб хизмат киласди.

### III. ХУЛОСА

Диссертацияда республикамизда қўшилган киймат солиги механизмини такомилластиришга оид қўйидаги тавсиялар берилган:

1. Қўшилган киймат солигини тўлашдаги айрим имтиёзлар хизмат турларини ривожлантириш жиҳатидан аниқ асосланмаган. Бунга мисол килиб, Ички ишлар органлари хузуридаги кўриқлаш бўлинмалари хизматлари ва гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар учун берилган имтиёзларни келтириш мумкин.

2. Давлат сектори томонидан молиялаштириладиган иш ва хизматларнинг ККСдан озод этилиши корхоналар иктисодий фаолиятига салбий таъсир этмоқда, уларнинг инвестицион фаолиятларини чегаралаб, ихтиёрларида қоладиган фойда микдорини камайтирмоқда. Шу сабабдан давлат сектори иш ва хизматлари бўйича ККСдан берилган имтиёзларни бекор қилиниши мақсадга мувофиқдир.

3. Тахлиллар ККС бўйича аниқланган солик конунчилиги бузилишларининг жами қўлланилган молиявий жарималардаги улуши анча юкорилигини кўрсатди. Бундай холат, биринчидан конунчиликни турлича талқинларининг мавжудлиги, солик тўловчиларнинг саводхонлигини юқори эмаслиги, янги таҳрирдаги Кодексни қабул этиш заруриятини ва солик тўловчилар ўртасида тушунтириш ишларини жадаллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

4. Мавжуд мол жўнатиш тартиби корхоналарнинг солик бокимандаларини кўпайишига олиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб,

<sup>11</sup> Экономика Узбекистана. Аналитический журнал. 2005., №8. -с.18.

маҳсулотлар жүннатип жараёнида олдиндан тұлов миқдорининг камида 30 фойзға етказилиши солик тұловлари бүйича бокимандаларни, шунингдек бокимандалар салмоғидаги эң юқори күрсаткични эгаллаб турган ҚҚС бүйича бокиманда миқдорларни камайишига олиб келади ҳамда корхонада соглем молиявий мухитнинг яратилишига асос бўлиб хизмат қиласди.

5. Айрим вазирлик, компания ва уюшмалар тизими доирасида келиб тушган пул маблагларини таксимланиши юзасидан алоҳида маҳсус тартиблар ишлаб чиқилгандир. Ушбу тартибларга мувофиқ тушган пул маблагларининг кичик кисми жойлардаги бўлинмаларга қолдирилади, катта кисми тўғридан тўғри республикадаги юқори ташкилотига йўналтирилади. Жойларда қолдирилган кисми фақат иш ҳаки бўйича қарздорликларни коплашга етади холос. Шундан келиб чиқиб ҚҚС бокимандасини камайтириш максадида йиғма счетларда ишловчи маҳсус корхоналарда улар томонидан хисобланган ҚҚС тўланишини назарда тутувчи пул маблагларини таксимлаш тартиблари қайта ишлаб чиқилиши лозим.

6. Кўшилган қиймат солиги бўйича хисобварак фактуралар бўйича конун бузилишида асосий сабабчи қонунбузар маҳсулот етказиб берувчи хисобланса-да ҳам харидор молиявий жаримага тортилиши конун жихатидан айби бўлмаган солик тұловчининг молиявий жаримага тортилишига олиб келмоқда. Шунинг учун ўз маҳсулотини сотиш учун хисобварак фактураларни потўғри тўлдириб харидорга кўрсатган мол етказиб берувчига нисбатан молиявий кўлланиши ва харидорда бунинг натижасида кўшилган қиймат солиги бўйича килинган чегиришларни ўрни молиявий жарималарсиз копланиши солик конунчилиги тамоилларини амал килинишини мустахкамлашга олиб келади.

7. Бизнингча, кўшилган қиймат солиги бўйича нолли ставкани кўлланиши натижасида манфий фарқ натижасида юзага келадиган ортиқча тұловларни кайтарилиши тұлғы худуд бюджетига тушган кўшилган қиймат солиги тушуми хисобидан эмас, республика тушумлари доирасида кайтарилиши максадга мувофиқдир. Бу бир томондан ушбу маблагларни кайтарилишини тезлаштирса иккинчи томондан кўшилган қиймат солиги бўйича худуд тушумларидаги жиiddий камайишларни келтириб чиқаришни чегаралайди.

8. Бизнингча сотиладиган жойи республика худуди бўлган ишлар ва хизматлар импортининг ҚҚСга тортилиши амалдаги тартибда мавжуд бўлган муаммони бартараф этиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

9. Импорт килинадиган ишлар, хизматлар юзасидан кўшилган қиймат солиги хисоботи ишлар, хизматлар импорт килинган ойдан кейинги ойининг 15 санасидан кечикмасдан тоширилиши керак, лекин солик суммаси амалда ишлар ва хизматлар бажарилган кундан бошлаб 5 кун ичиди бюджетга тўланиши лозим. Солик бўйича хисобот топширишдан олдин тұловни амалга оширилиши биринчидан, корхона хисоб-китобларида номувофиликни келтириб чиқарса, иккинчидан бошқа солик турлари бўйича амалдаги тўланиш тартиб тамоиллардан четланишга олиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, им-

порт қилинадиган ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солигининг тўлов муддатларини ҳисботни топшириш муддатлари билан мослаштирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

10.Импорт қилинган товарлар бўйича ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солигини аниқлашда импортчи томонидан олиб киритилаётган товарга доир баён қилинган божхона қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиги миқдори ҳисобга ўтказилади. Лекин импортчи томонидан баён қилинган божхона қийматига нисбатан аниқланган божхона қиймати ўртасида фарқ бўлганда ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиги миқдори импортчи томонидан баён қилинган божхона қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган ККС миқдоридан келиб чиқиб аниқланади, ҳақиқатда тўланган ККС билан ҳисобга ўтказилган ККС ўртасидаги фарқ миқдори импорт қилинган товарнинг нархига киритилади.

Бу ҳолат биринчидан, ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солигини аниқлашдаги конуний талабларини бузилишини келтириб чиқармоқда, иккинчидан ушбу ҳолат бўйича олиб киритилаётган товарлар нархининг асосиз ошишига олиб келмоқда. Шунга асосан импорт товарлари бўйича ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиги миқдорини аниқлашда божхона идоралари томонидан импорт қилинаётган товарларни олиб киритилишида аниқланган ва ҳақиқатда тўланган қўшилган қиймат солиги асос килиб олиниши мақсадга мувофиқдир. Бу конун ва конун ости меъёрий ҳужжатларининг яқдилигини таъминлайди, шу билан биргага импорт товарларнинг қийматини асосиз ошиб кетишига йўл қўймайди.

#### **IV. Нашр этилган илмий ишлар рўйхати:**

1. Комилов М.М., Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиги. Монография. -Тошкент, “Иктисолиёт ва ҳуқук дунёси”, 2004, 184 б.
2. Комилов М.М., Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиги ва уни такомиллаштириш масалалари. // “Ўзбекистон банк-молия тизиминиң институцияниларни ва унинг жаҳон молия бозорига интеграциясининг долзарб масалалари” халкаро илмий амалий конференция материаллари. –Тошкент, “Молия”, 1999, 95 б.
3. Комилов М.М. Развитие финансовой системы и реформирование банковской системы. // “Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг институцияниларни ри-вожланиш жараённада халкаро тажрибадан фойдаланиш” халкаро илмий амалий конференция материаллари. –Тошкент, “Молия”, 2002, -с.44-45.
4. Комилов М.М. Пути оптимизации косвенного налогообложения в Республике Узбекистан. // Материалы научной конференции “Ломоносовские чтения -2001 ”. МГУ, М.:2001, -с. 154-160.
5. Комилов М.М. Налогообложение в строительстве: Кто и как заплатит НДС. // Солик тўловчининг журнали. –Тошкент, 2002, № 4, -с. 97-99.
6. Комилов М.М. Как усилить стимулирующую роль НДС? // Солик тўловчининг журнали. –Тошкент, 2002, № 6-7. -с. 52-54.
7. Комилов М.М. Номувофиқлик илдизи: импорт операциялари бўйича ККСни ҳисоблашни такомиллаштириш масалалари. // Солик тўловчининг журнали. -Тошкент -2005, №10. 29-30 б.

**Иктиносод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Камилов Мирзохид  
Мирсебитовичнинг 08.00.07. – «Молия, нул муомаласи ва кредит» иктиносос-  
лиги бўйича «Кўшилган киймат солигини ундириш механизми ва  
уни такомиллаштириш ўйлари» мавзусидаги диссертациянинг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** Кўшилган киймат солиги, соликка тортиш обьекти, солик ставкаси, солик имтиёзлари, соликни хисоблаш механизми, тўлов муддатлари, солик бокимандалари, импорт операциялари, кўшилган киймат солигини хисобга ўтказиш тартиби.

**Тадқикот обьекти:** Юридик шахсларнинг кўшилган киймат солигини хисоблаш ва тўлаш механизми.

**Ишнинг мақсади:** илмий ишнинг мақсади кўшилган киймат солигининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва импорт операцияларида хисобланishi, ундирилиши механизмини такомиллаштириш, карздорлик ва ортиқча тўловни камайтириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқикот методи:** тизимли ёндашув, солиширма таҳлил, омилли таҳлил, статистик ва математик усувлар.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:**

Кўшилган киймат солиги амалдаги ставкалари солик тўловчиларнинг иктиносодий фаолиятига таъсирини камайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди; Ўзбекистонда кўшилган киймат солиги бўйича юзага келаётган бокиманда ва ортиқча тўловлар таҳлил килинди ва уларни камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди; кўшилган киймат солиги бўйича бокимандаларнинг таркибидаги пеняларнинг микдори юкорилиги аникланиб, хисобланадиган пенялар ставкасини камайтириш зарурлиги асослаб берилди; кўшилган киймат солигини ундирилиши юзасидан ривожланган давлатларни илфор тажрибаси ўрганилди ва улардан Ўзбекистон иктиносодиётининг миллий хусусиятларини хисобга олган холда ижодий кўллаш имкониятлари асосланди; кўшилган киймат солигини импорт товарлари, иш ва хизматлари бўйича хисобланishiда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Амалий аҳамияти:** Тадқикот иши солик тўловчиларнинг давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини оптималлаштириш ва улар фаолиятини солик механизми ёрдамида бошқариб туриш усулини янада такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

**Татбиқ этиш даражаси ва иктиносодий самарадорлиги:** Тадқикот натижасида берилган таклифлар Давлат солик кўмитаси томонидан қабул килиниб Ўзбекистон Республикаси бюджет параметларини ишлаб чиқиша фойдаланилган. Илмий иш асосий ғоя ва материалларидан иктиносодий олий ўкув юртларида, “Молия”, “Соликлар ва соликка тортиш”, “Юридик шахсларни соликка тортиш” фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин

**Кўлланиш соҳаси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси, унинг куйи идоралари, олий ўкув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

**Диссертации Камилова Мирзахида Мирсабитовича на тему «Механизм взимания налога на добавленную стоимость и пути его совершенствования» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 «Финансы, денежное обращение и кредит»**

**Ключевые слова:** налог на добавленную стоимость, объект налогообложения, ставка налога, налоговые льготы, механизм исчисления налога, сроки уплаты, недоимки по налогам, операции по импорту, порядок зачета по НДС.

**Объекты исследования:** механизм исчисления и уплаты налога на добавленную стоимость юридических лиц.

**Цель работы:** исчисление и уплата НДС по производимой продукции и импортируемым товарам, совершенствование механизма взыскания НДС, разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций по сокращению недоимок и переплат.

**Метод исследования:** системный подход, сравнительный анализ, факторный анализ, статистические и математические методы.

**Полученные результаты и их новизна:**

Дан критический анализ влиянию действующих ставок НДС на экономическую деятельность налогоплательщиков и разработаны конкретные предложения для его устранения; проанализированы возникающие недоимки и переплаты по НДС в Узбекистане и разработаны рекомендации по их устраниению; научно проанализирован высокий уровень пени в составе недоимки НДС; обоснована необходимость снижения размера пени; изучен опыт развитых стран по взысканию НДС и обоснованы возможности их применения с учетом национальных особенностей экономики Узбекистана; проанализированы возникающие проблемы при расчете НДС по импортируемым товарам, работам и услугам и разработаны практические рекомендации по их совершенствованию.

**Практическая значимость:** исследовательская работа направлена на оптимизацию отношений налогоплательщиков с государственным бюджетом и разработаны направления для дальнейшего усовершенствования управления их деятельности при помощи налогового механизма.

**Уровень применения и экономическая эффективность:** предложения, полученные в результате исследования, приняты Государственным налоговыми комитетом и применены при разработке параметров бюджета Республики Узбекистан. Материалы научной работы могут быть применены при совершенствовании государственной налоговой политики и использованы в высших учебных заведениях при преподавании курсов «Финансы, налоги и налогообложение», «Налогообложение юридических лиц».

**Сфера применения:** Государственный налоговый комитет и его нижестоящие структуры, высшие учебные заведения.

## THE SUMMARY

of the dissertation on a theme: "The mechanism of Value added tax collection and ways of its perfection" of the competitor on a degree of the economic sciences candidate Komilov Mirzohid Mirsobitovich (speciality 08.00.07 "Finance, money relations and credit").

**Key words:** the value added tax (VAT), object of tax collection, tax collection unit, tax rate, tax privileges, calculation mechanism, payment terms, tax arrears, operation on import, accounting of the value added tax.

**Research objects:** the tax system of Uzbekistan, large taxpayers in the country, enterprises-importers, VAT normative base and foreign experience of VAT account.

**Research purpose:** the complex study of calculation, VAT collection, debt and overpayment formation, import operations and their problems, development of the scientifically proved offers and recommendations for improvement of the tax mechanism according to foreign experience.

**Research method:** the system approach, comparative analysis, factorial analysis, other statistical and mathematical methods.

### **The received results and their novelty:**

- are critically analysed of VAT current rates influence on economic activity taxpayers and developing the concrete offers for elimination of this influence;

- are analytically researched the VAT arrears and overpayment formating in Uzbekistan and the developing recommendations for their elimination;

- are scientifically analysed the high rate fines in VAT arrears structure, the providing of necessity to reduction of the site rates in accounting.

- are researched of the developed countries experiences on VAT collecting and providing the opportunities of entering their to economy of Uzbekistan according with national features:

- are analyzed the appear problems on the VAT accounting of import goods, works and services and developing the practical recommendations for their elimination.

**The practical importance:** the research work is directed on optimization of taxpayers relations with State budget and developing the tendency of future management improvement of their activity through tax mechanism.

**Level of application and economic efficiency:** some recommendations, which received as a result of research are accepted by State tax committee and applied at developing of the budget parameters Republic of Uzbekistan.

**Sphere of application:** The results of researching can be applied in activity of State tax committee and local tax departments at perfection of state tax policy and higher educational institutions at study of the finance and tax subjects.

Таджикотчи:

Босишига руҳсат этилди	08.10.2007
Қоғоз бичими	60x84 <sup>1/16</sup>
Ҳисоб-нашр	1,5 б.т
Адади	100
Буюртма	№3

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси нашриёт бўлимида чоп этилди. Тошкент ш., X. Арипов кўчаси 16 уй.